

6-12-2018

## Commander Bakr Fergani

U. MELIKUZIEV,

*Ferghana State University, Ferghana, Murabbiylar 19, fdujournal@fdu.uz*

S. YULDASHEV

fdujournal@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu>



Part of the [History Commons](#)

---

### Recommended Citation

MELIKUZIEV,, U. and YULDASHEV, S. (2018) "Commander Bakr Fergani," *Scientific journal of the Fergana State University*. Vol. 1 , Article 27.

DOI: 950

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu/vol1/iss2/27>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific journal of the Fergana State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

## ТАРИХ

УДК: 950

СИПОҲСОЛОР БАКР ФАРҒОНИЙ  
ПОЛКОВОДЕЦ БАКР ФАРГАНИ  
COMMANDER BAKR FERGANI

У.Мелиқўзиев, С.Юлдашев

**Аннотация**

*Ушбу мақолада ilk бор X аср ўрталарида Сомонийлар давлатида алоҳида ўринга эга бўлган саркарда Бакр Фарғонийнинг фаолияти тарихий манбалар асосида ёритилган.*

**Аннотация**

*В данной статье на основании исторических источников впервые описывается деятельность полководца Бакра Фергани, занимавшего особое место в политической жизни государства Саманидов в середине X века.*

**Annotation**

*This article describes for the first time the activity of the commander Bakr Fergani, who had a separate place in the Samanid state in the middle of the X century, on the basis of historical sources.*

**Таянч сўз ва иборалар:** Сомонийлар, Бакр Фарғоний, сипоҳсолор, тегин, Абу Али Чағоний, Алп тегин, Бувайхийлар, Хайлом, Насробод.

**Ключевые слова и выражения:** Саманиды, Бакр Фергани, полководец, тегин, Абу Али Чагани, Алп тегин, Бувиды, Хайлом, Насробод.

**Keywords and expressions:** Samanids, Bakr Fergani, commander, tegin, Abu Ali Chagani, Alp tegin, Bouvids, Hailom, Nasrobod.

Амир Исмоилдан кейин Сомонийлар хонадонидан унинг даражасидаги сиёсий арбоб етишиб чиқмаган бўлса-да, аммо у барпо этган бошқарув тизими юз йилга яқин муддат давомида давлатнинг фаолият олиб боришини таъминлади. X асрнинг 30-йилларида Фарғонада ҳокимлик қилиш Сомонийлар хонадонига мансуб водийлардан, этник келиб чиқиши турклардан бўлган арбобларга ўтди. Бунинг асосий сабаби, бир томондан Сомонийлар хонадони вакиллари орасидаги ички низолар бўлса, иккинчи томондан минтақанинг сиёсий ҳаётида турк ҳарбийлари мавқеининг мустаҳкамланиб бориши эди. Мана шундай тарихий шахслардан бири Сомонийлар давлатида мавқега эга бўлган сипоҳсолор Абу Саид Бакр ибн Малик Фарғонийдир. Бакр Фарғоний туркий тегинлар хонадонига мансуб бўлиб, бу хонадон Сомонийлар даврида Фарғона водийси тарихида муҳим ўрин тутди.

Бизгача Бакр Фарғоний фаолияти ҳақидаги маълумотлар фақатгина Ибн ал-Асир ва Гардизийнинг асарларида етиб келган, холос. Келгусида у ҳақда янги манбаларнинг топилишига умид қилиб қоламиз.

Ёзма ва нумизматик манбалардан туркий тегинлар

сулоласига мансуб уч киши Фарғонада волий сифатида фаолият олиб борганлигини билиб олиш мумкин. Булар Шукур тегин, унинг ўғли Малик ибн Шукур тегин ва набираси Бакр ибн Малиқдир [7.109].

Бакр Фарғонийнинг отаси Малик Сомоний ҳукмдор Наср II ибн Аҳмад даврида дастлаб Узганд, кейин Ахсикент ҳокими, 937/38 йилга келиб эса бутун Фарғонанинг волийси этиб тайинланади. Ибн ал-Асирнинг “Ал-комил фи-т-тарих”асарида Малик ҳақида қисқа маълумот берилади [2.116]. 944/45 йилда Сомонийларга тобе Зиёрий Вушмагирга Журжонни эгаллашга ёрдам бериш учун Малик бошчилигида кўшин юборилади ва Журжон эгалланади. Шундан кейин Малик ҳақида манбаларда бошқа маълумот учрамайди.

Малик ибн Шукур тегиннинг вориси Бакр Фарғонийнинг сиёсий фаолияти анча қизиқ [3.496]. 946 йилда амир Нуҳ Бакр Фарғонийнинг саройдаги алоҳида хизматларини эътироф этиб, уни Насробод шаҳри ҳокими этиб тайинлади. Насробод Фарғона водийсининг шарқий қисмида жойлашган шаҳар бўлган. Бу ҳудуд араб географлари тарафидан Миён Рудан деб аталган. Миён Рудоннинг маркази Хайлом

У.Мелиқўзиев – ФарПИ ўқитувчиси.  
С.Юлдашев – ФарПИ ўқитувчиси.

шаҳри бўлиб, бу шаҳарни Сомоний Аҳмад ибн Асад ўз ўғли Наср шарафига Насробод деб номлаган. Тарихий манбаларда Бакр Фарғоний фаолияти ҳақда бизгача кам маълумотлар етиб келган. У ҳақида Ибн ал-Асир ва Гардизийнинг асарларида бир-бирини тўлдирувчи маълумотлар мавжуд. Ёзма манбаларда Бакр Фарғоний ҳақидаги дастлабки маълумот 953/54-йилларга доир.

951 йилда Хуросон волийси Мансур ибн Қоратегин вафот этади ва унинг ўрнига Абу Али Чағоний волий этиб тайинланади. 952 йилда у Хуросонга келади. Абу Али Чағоний Хуросон ва Хоразмда осойишталикни таъминлаш учун Бувайҳийларга қарши кураш бошлади. Уша пайтда Бувайҳийлардан Кирмондаги уруғ вакили Муъизз ад-Давла Кирмонда ва Жиболдаги уруғ вакили Рукн ад-Давла Райда ҳукмронлик қилишар эди. Бувайҳийларга қарши кураш Нухга манзур бўлмаган сулҳ билан якунланди. Шу сабабли, Абу Али Чағоний вазифасидан озод қилинади. Унинг ўрнига Бакр Фарғоний тайинланади. Янги ҳоким йўлга чиқишга улгурмасдан, 954 йил 28 август душанба куни Нух ибн Наср вафот этади [4.309]. Ҳокимият унинг катта ўғли Абдумалик қўлига ўтади. Абдумалик ибн Нух Абу Мансур Муҳаммад ибн Узайрни вазир лавозимига, Бакр Фарғонийни сипоҳсолор лавозимига тайинлайди [1.349]. Абдумаликнинг отаси Бакр Фарғонийни Хуросон волийси этиб тайинлаган эди. Шунинг учун Абдумалик отасининг фармонини эътироф этиб, Бакр Фарғонийни Хуросон волийси сифатида Нишопурга жўнатади. Гардизийнинг сўзларига қараганда, Бакр Фарғоний Хуросонда намунали сиёсат олиб борган ва адолатни тиклаган [1.350].

954 йилда Нух ибн Наср Хуросон волийси Абу Али Чағонийни лавозимидан озод этганидан сўнг, Чағоний ўзининг собиқ душмани Рукн ад-Давла ҳузурига йўл олади. Рукн ад-Давла уни Райда яхши кутиб олади. Рукн ад-Давла халифа Мутига Абу Али Чағонийни Хуросон ҳукмдори сифатида эътироф этиши тўғрисида илтимоснома юборади. Халифа Мути гарчи ҳуқуқи бўлмаса-да, бу илтимосни инobatга олиб, Абу Али Чағонийни Хуросон ҳукмдори этиб тайинлайди. Бу хабар Бакр Фарғонийга етгач, у қўшини билан Гувайн ноҳиясидаги Озодвар қишлоғига жойлашади ва қўшин

бошлиқлари билан бўлажак жанг режасини тузишга киришади [1.350]. Бакр Фарғоний бу ерда Абдумалик ибн Нухнинг Абу Али Чағонийни Хуросондан қувиб чиқариш тўғрисидаги фармонини олади. Гарчи Абу Али Чағоний Рукн ад-Давланинг укаси Муъизз ад-Давладан ҳарбий ёрдам олган бўлса-да, унинг бу кучлари ишончсиз бўлиб чиқади. Бакр Фарғоний қўшинлари Абу Али Чағонийга яқинлашиши билан унинг қўшинида тартибсизлик келиб чиқади ва тарқалиб кетади. У билан 200 кишилик дайламийлар гуруҳи қолади, холос [2.116]. Абу Али Чағоний қочиб, яна Рукн ад-Давла ҳузуридан паноҳ топади ва улар биргаликда Райга йўл оладилар. Бакр Фарғоний Хуросонни эгаллаб, Нишопурга жойлашади. Шундан сўнг Бакр Фарғоний Абу Али Чағоний тарафдорларини таъқиб этишга киришади.

Бакр Фарғоний Абу Али Чағонийнинг Райда Рукн ад-Давла саройида паноҳ топганлигини эшитгач, уларга қарши икки йўналишда йўлга чиқади. Биринчи йўналиш – асосий кучлар – Бакр Фарғоний бошчилигида Райга юриш бошлади. Бундан хабар топган Рай ҳукмдори Бувайҳий Рукн ад-Давла укаси Муъизз ад-Давлага ҳожиб Сабук тегин бошчилигида ҳарбий ёрдам жўнатишини сўраб, нома юборади [2.136-37]. Иккинчи йўналиш Муҳаммад ибн Макан қўмондонлигида саҳро орқали Бувайҳий Рукн ад-Давланинг ўғли Абу Мансур Бувайҳ ҳукми остидаги Исфaxonга йўл олади. Муҳаммад ибн Макан Исфaxonни эгаллайди, Абу Мансур Бувайҳ жанглarda халок бўлади. Муҳаммад ибн Макан аскарлари аҳолини талаш билан банд бўлган пайтда, Абу Мансур Бувайҳнинг вазири устоз Абул Фазл ибн Аҳмад ибн ал-Амид тарқалиб кетган қўшинни бирлаштириб, қайта ҳужумга ўтади. Натижада Муҳаммад ибн Макан аскарлари мағлуб этилиб, унинг ўзи асир олинади ва Аргон қалъасига қамаб қўйилади. Шундан кейин уни қайтиб ҳеч ким кўрмайди [1.350].

Ушбу хабарлар амир Абдумалик ибн Нухга етгач, у дарҳол қўшин йиғиб, Озодвар қишлоғида жойлашган Бакр Фарғонийга ёрдамга юборади. Натижада Абу Али Чағоний ва Рукн ад-Давла Бакр Фарғоний билан жангга киришмай, Табаристонга чекинишади [1.351]. Шундан сўнг улар Бакр Фарғоний билан тил топиш йўлини излашади. Бакр Фарғоний охир-оқибат Рукн

## ТАРИХ

ад-Давла билан 344/955 йилда сулҳ тузади. Унга кўра, Рукн ад-Давла ҳар йили 200 минг дирҳам хирож тўлаш ва Табаристон масаласида Вушмагир билан низога бормаслик шарт билан [1.351] Рай, Кура ва Жибол ҳудудларига эга бўлади [2.116]. Аммо бу Бакр ибн Малик ал-Фарғонийнинг дипломатик хатоси эди. Чунки халифа Мути Рукн ад-Давлага юқоридаги сулҳни маъқулламаслиги ҳақида нома юборади. Натижада Рукн ад-Давланинг Рай, Кура ва Жиболдаги мавқеи мустаҳкамланади, Бакр ибн Малик ал-Фарғонийнинг эса Сомонийлар давлатидаги нуфузи пасаяди.

“Тарихи Гардизий” муаллифининг келтиришича, 344/955 йилдаги воқеалардан сўнг Бакр ибн Малик ал-Фарғоний ўз қўли остидаги амалдорларга тазйиқ ўтказиб, уларнинг харажатларини қисқартиради. Шундан сўнг Бакр ибн Малик ал-Фарғоний “сарой гвардияси истакларини инобатга олмаганлиги” [4.310] учун душман гуруҳига айланади. Бакр Фарғонийдан жабрланган аъёнлар Бухорога бориб, амир Абдумалик ибн Нухга шикоят қилишади. Бундан бохабар бўлган амир дарҳол Бакр ибн Малик ал-Фарғонийни Бухорога чақиртиради. Бакр ибн Малик ал-Фарғоний 345/956 йил декабрида Бухорога етиб келади [1.352]. Амир қабулида барча таомилни бажаргандан сўнг, сарпо ва 5-6 солорни туҳфа сифатида олади. Маълумки, солор–асир олиниб, қулга

айлантирилган туркий халқ вакиллари. IX асрдан бошлаб деярли барча мусулмон давлатлари қўшинини ташкил этган қул аскарларнинг катта қисми Сомонийлар давлати орқали ўтар эди.

Амир қабулида Бакр ибн Малик ал-Фарғонийнинг ўнг томонида Фатегин хазинадор, чап томонида ҳожиб Алптегин турар эди. Бакр ибн Малик ал-Фарғоний туҳфаларни олиб, Фарғонага қайтиш учун отланади. Аммо Алптегин уни амир буйруғи билан сарой остонасида қатл этади [1.352]. Ибн ал-Асирнинг маълумот беришича, юксак бир мартабали ҳарбий кўмондонни қатл этиш билан мамлакатда юз бераётган сиёсий инқироздан чиқишга ҳаракат қилинади. Бу ташаббус эса натижасиз тугайди. Бакр ибн Малик ал-Фарғонийнинг фожиали ўлиmidан сўнг, Фарғонадаги тегинлар сулоласи ҳам барҳам топади. Фарғона волийси этиб Абдумалик ибн Нухнинг ҳожиби Мансур ибн Бойқаро тайинланади. Хуросон волийси Бакр амалидан олингач, унинг ўрнига олдинги даврларда даргоҳда хизмат кўрсатган Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Иброҳим Симжурий тайинланади [1.352].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, амирдан кейин феодал иерархияда энг юқори ўринда турган Бакр ибн Малик Фарғоний Сомонийлар даври тарихида алоҳида ўрин тутади.

**Адабиётлар:**

6. Said Abdulxay bin Zahhok bin Mahmud. Tarixi Gardizi. Dunyoyi kitob. Be tasxix va maqobala Abdulhay Habibiy. CHopi avval. -Tehron, 1343 h.
7. Ibn al-Asir. Al-kamil fi-t-Ta'rix (Polnyy svod istorii) / Perevod s arabskogo yazyka, primechaniya i kommentarii P.G. Bulgakova. Dopolneniya k perevodu, primechaniya i kommentarii, vvedenie i ukazateli SH.S. Kamoliddina. – T.: Uzbekistan, 2006.
8. Anarbaev A. Axsikat – stolitsa drevney Fergany. – T.: Tafakkur, 2013.
9. Bartold V. Turkestan v epoxu mongol'skogo nashestviya // Soch.T. 1 – M.: Nauka, 1963.
10. Ne'matov H. Davlati Somoniyon: tochikon dar asrhoi IX-X. – D.: Irfon, 1989.
11. Davidovich. Ye.A. Vladeteli Nasrabada (po numizmaticheskim dannym) // Kratkie soobsheniya IIMK. Выр. 61. – M., 1956.

(Тақризчи: М.Исомиддинов, тарих фанлари доктори, профессор).